


Ушбу сонда:

## 2 "ВАЦЭТ"ни излаб юрибмиз




Кўшма корхонанинг устав жамғармасига мўлжалланган маблағлар Россиядан эмас, аксинча МДХнинг бошқа мамлакатларидан, шунда ҳам кўшма корхона устав жамғармасини шакллантириш учун эмас, шартнома асосида моливий ёрдам сифатида келиб тушганлиги маълум бўлди.

## 3 Парда ортидаги рақиб



М16 инглиз разведкаси агенти Антонио Алварес де Идальго узоқ йиллар дипломат никобида фаолият юритган жосус Россия махсус хизматининг бир нечта юқори унвонли ходимларини ўзига оғдиришга муваффақ бўлган.

## 4 Сўз — инсон табиатининг ишвагар дилбари



Сўз экан деб ҳар нарсани гапиравериш керак эмас. Етти ўлчаб бир кесиш лозим. Чунки радиони миллионлаб одамлар эшитишади. Шу сабаб ҳар сўзни ўз ўрнида, ўз вақтида, ўз муҳитида қўллаш лозим.


## HURRIYATга обуна йил бўйи

ДАВОМ ЭТАДИ.  
Газетамизни ўқиб боринг,  
ютқазмайсиң!

Нашр кўрсаткичи — 233

### Сана

## Самарқанд — дунё гавҳари



**Римнинг тенгдоши бўлган Самарқанд дунёнинг энг кекса шаҳарлари Афина, Вавилон, Фивалар каторида туради. Марказий Осиёда унга тенгдош бошқа шаҳар йўқ. Самарқанд тимсолида тарих ва ҳақиқат, афсона ва ривоятлар уйғунлашиб кетган. Алломалар Самарқандни "Ер юзининг сайқали", "Нур таралиб турғувчи нуқтаси", "Муслулмон дунёсининг гавҳари", "жаннати фирдавмонанд" деб улуғлашган.**

Самарқанд қадим-қадимдан илмий-маданий марказ бўлиб келган. Кишилик тарихи давомида "Самарқандий" нисбаси билан қалам тебратган эзолаб, минглаб олим, уламо, шоир ва адиб-

лар шу азиз масканда туғилиб вояга етганлар.

Самарқанд тарихига доир манбалар анчагина. Абул Аббос Жабр ибн Муҳаммад ал-Мустафий ал-Мустафий IX асрда "Таворихи Самарқанд" асарини ёзган. X-XI асрда яшаб ижод қилган Абу Саъид Абдураҳмон ибн Муҳаммад ал-Идрисий, XII асрда Наҳиддин Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад ан-Насафий ас-Самарқандий "Китоб ал-қанд фи тарихи Самарқанд", Абулфайз Муҳаммад ибн Абдуҷамол ибн Абдуҷамил Ҳайдар ас-Самарқандий "Қандияи хурд" ва яна юзлаб тарихий, географик, адабий-бадиий асарларда Самарқанд шаҳри тарихи, унда яшаб ўтган буюк сиймолар ҳаёти баён қилинган.

Самарқанд милоддан аввалги мингинчи йиллардаёқ Шарқ ва

Фарб цивилизацияларини боғлаб туривчи марказга айланган эди. У фарбда Византия, жанубда Вавилон, Шумер, Хинд, шарқда Хуанхэ, Янцзи, шимолда Сахрои Номадлар цивилизацияларини бир-бирига туташтириб турган.

Шу сабаб ҳам Самарқанд Шарқ цивилизацияси ривожига жуда муҳим роль ўйнаган. Қадимий китоб "Авесто" ва бошқа археологик манбаларга кўра милоддан аввалги VIII-VII асрларда Сўғд давлати шаклланиши ва унинг пойтахти Самарқанд эканлиги айтилган. Авестода у "... мамлакат ва вилоятларнинг энг яхшиси", "Сўғд ва Сўғди Гавд" сифатида эслатилади.

Тарихий манбаларда Самарқандда зардуштийлар ибодатхоналари мавжуд бўлгани, унга диний илмлар билан бир каторда дунёвий илмлар ўқитилгани ёзилган. Хитой тарихий йилномаларида ёзилишича, VI-VIII асрларда Самарқандда "Адолат уйи" номи ибодатхона фаолият кўрсатган. Ибодатхонада туркий тилда ёзилган қонунлар сақланган бўлиб, барча муаммолар шу қонунлар асосида ҳал қилинган. Самарқандда оташпарастлар билан ёнма-ён буддавийлар, монихейларнинг ибодатхоналари ҳам фаолият кўрсатганлиги диний бағрикенгликдан далolat беради.

Милодий IV-VI асрларда Мар-

қазий Осиёга несториан насронийлиги кириб келган. Бухоро, Самарқанд ва Термизда насронийлик ибодатхоналари бўлган. VI асрда Самарқандда христиандарнинг епископи фаолият кўрсатган. Шаҳарнинг жанубида христиандар жамоасининг кўрғонлари бўлган.

Бунга Афросиёбдан топилган муқаддас олов меҳроби, остодонлар, деворий суратлар, Жартепа зардуштийлик ибодатхонаси ва Ургутдаги қотшога ёзиб қолдирилган несториан ёзувлари гувоҳлик беради.

Самарқанд қадим-қадимдан барча учун очик шаҳар ҳисобланган. Унда турли этник ва диний қарашларга мансуб одамлар қўним топишган. Тинчлик, осойишталикда яшаган. Ўзга халқ одамлари маҳаллий халқ томонидан қамситилмаган. Зардуштийлик, буддизм, насронийлик, яхудийлик, ислом эътиқодида мансуб халқлар тинч-тотув яшаганлар. Самарқанд аҳли учун бағрикенглик қадимдан аёнана, қадимий бўлган. Шунинг учун ҳам Самарқанд миллатлараро тотувлик ҳамда динлараро бағрикенглик маданиятининг ўзига хос маскани ва машалли бўлган.

Эрамининг VIII асрларидан бошлаб Самарқандда ислом дини ёйила бошлади. XII асрда Абдул Ҳаким Самарқандий: "Жайхун

дарёсининг ортида Аллоҳ яратган ери бепоеён, суви мўл бир шаҳар борким, ул шаҳарни Худонинг ўзи асраган. Дарвозаларининг ҳар бирида беш мингтадан фаришталар бўлиб, қанотларини кенг ёзган ҳолда шаҳар аҳолисини ёмон кўзлардан асраб турар эди", деб ёзган эди ва бежиз "Ал-мадина ал-маҳфуза", яъни фаришталар қўриқовчи шаҳар номи олимаган.

Машҳур француз шарқшунос олими Жан-Поль Ру: "Самарқанд ҳаммадан кўра афсона ва ривоятлар шаҳри эди, у гўёки ибодатхона, деярли муқаддас шаҳардир", деб ёзган эди.

Имом ал-Бухорий даҳосининг шаклланишида Самарқанд маънавиятининг ўрни бекиёсдир. Шу сабабдан ҳам 809 йилда Бухорода туғилиб, умрининг охирида, 870 йилда Самарқандга, буюк илму маърифат марказига интирилган, шу заминда абадий қолганлар. Имом ал-Бухорий ҳазратларининг ислом маданияти ривожига қўшган ҳиссаси барчамизга яхши маълум.

Аллоҳ таоло бу заминни даҳосиз қолдиришни истамай 870 йил, яъни Имом ал-Бухорий вафоти йили дунёга Имом ал-Мотурудийни берди. Исрол оламида "Имамул-худа" ва "Имамул-му-тақаллимин" каби шарафли номларга ("Ҳақ йўлда ҳидоятга бошловчи имом", "Қалом олимларининг имоми") сазовор бўлган Абу Мансур Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Мотурудий Самарқанддаги Работи Фозийнда туғилган ва умр бўйи шаҳардан чиқмаганлар.

### Тадбир

## Ёш оила — давлат ҳимоясида

**"Қамолот" ЁИХнинг марказий кенгашида ўтказилган давра суҳбати шундай номланди**

**Тадбир "Ёш оила" дастури муҳокамасига бағишланган бўлиб, шу йил 18 майда қабул қилинган "Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Президент Фармони аҳамиятига қаратилди.**

Фармонда белгилангандек, ушбу давлат сийосатини амалга ошириш ҳоқимияти, маҳалла, нодавлат ношарик ташкилотлар, кўжалик бошқарув органлари, тижорат банклари каторида "Қамолот" ЁИХнинг ҳам муҳим вазифаси ҳисобланади. "Қамолот" томонидан ташкиллаштирилган галдаги тадбирда "Маҳалла" жамғармаси, "Оила" маркази ва банклардан вақилар иштирок этишди.

Фармон қабул қилинганни эшитган айрим ёшлар бундан оддий кредит бериш деб ўйлаган бўлишлари мумкин. Аммо унинг замирида мустақил ҳаётга қадам қўйган ёшларга нисбатан чинакам ғамхўрлик мавжуд. Ниқоҳдан ўтган жуфтлик бир оила ҳисобланади-ю, бироқ ягона оила эгаси бўла туриб ота-она қарамоғидан чиқа олмайотганлар озмончани? Бу ҳолат эса бир томондан боқимандаликни келтириб чиқарса, яна бир томондан оила аталмиш юксак тушунчани англаб етмасликка ҳам олиб келади. Демак, фармондан туб мақсад — жамиятнинг кичик кўриниши бўлган оилани барқарорлаштириш. Ана шундай эзу мақсадни амалга ошириш учун 50 миллиард сўм маблағ, 7 миллиард сўм микдорда кредитлар ажратилган. Вазият худудлар бўйлаб (республика бўйича ўн мингта яқин маҳаллада) таҳлил қилиниб, ёш оилалар миқсидида сўровномалар ўтказилди. Натижаларга кўра, ёш оилалардан ёрдамга муҳтожлари кўпроқ вилоятларда кузатилади. Фармон доирасида қишлоқ аҳолиси уй-жой ва эҳтиёж молларидан ташқари чорвачилик ёки боғдорчилик билан шуғулланиш учун ҳам кредит олишлари мумкин.

Имкониятдан фойдаланиш қонун-қоидаларига кўра икки ёшининг ҳар бири 30 ёшдан ошмаган, биринчи марта расмий ниқоҳдан ўтган бўлиши керак. Айнан шу — расмий ниқоҳ таъдиқи ҳам оила манфаатларига хизмат қилади. Маърузачиларнинг таъкидлашларича, жойларда шариий ниқоҳ билан қиёвалардан оилалар ҳам учрайди. Табиий, бундай ҳолда қонунлардан фойдаланиш ҳуқуқига путур етади. Шунинг учун ҳам ниқоҳдан ўтиш ва тўй маросимини ўтказишда ҳам моддий ёрдам берилади.

Қолаверса, ишсизликка ҳам ёш оилаларни иш билан таъминлаш орқали ёрдам берилади. Масалан, уй ҳужайиғини йўлга қўйиш ёки иш билан таъминлашда имтиёзли кредит олиш усули билан. Фармон ижросидан фойдаланиш мақсадига банкка ариза бераётган оила йиллик даромадини кўрсатади. Агар оила вақиллари давлат ишида ишлагани ёки ишсиз бўлса, бизнес режа тузиши ва тақдим этиши керак. Натияжада мазкур шахс тадбиркорликка жалб этилади, тадбиркорлик субъекти сифатида давлат рўйхатидан ўтказилади.

Кредит олишда кўчмас мулкни гаровга қўйиш (ипотека) ҳам мумкин. Ипотека кредитининг қудай жиҳати — қуриланган, таъмирланган ёки сотиб олинган давлат фойдаланиш учун гаровга қўйилиши, қарз узоқ йиллар давомида тўланиши мумкин. Чунки ёш оила қурганларнинг ҳаммаси ҳам маълум даромад эгалари эмас, оила эгаси талаба бўлиши ҳам мумкин.

Ислоҳот мазмун-моҳиятини самарали тарғиб қилиш, бу борада оила саводхонлигини ошириш — галдаги асосий вазифа. Аммо қўмақ беришда ҳар бир оиланинг ўз талаб ва эҳтиёжидан келиб чиқиш янада муҳим ҳисобланади.

Дурдона АЛИМОВА

### Арафа

**Саноқли кунлардан кейин Самарқандда шаҳарнинг 2750 йиллиги ҳамда "Шарқ тароналари" VI халқаро мусиқа фестивали бошланади. Ана шундай катта тадбирларга шаҳарда қандай тайёргарлик қурилмоқда? Муҳбиримиз шу савол билан Самарқанд шаҳар ҳокими Суҳроб РАФИҚОВГА мурожаат қилди.**

## Юксак савияда ўтади

— Дарҳақиқат шу кунларда катта шодийна, қўшалоқ тўйлар арафасида турибмиз. Самарқанд шаҳарининг 2750 йиллиги, "Шарқ тароналари" VI халқаро мусиқа фестивали ҳамда энг улуғ ва энг азиз байрам — Мустиқиллигимизнинг 16 йиллигини кенг нишонлашга катта тайёргарлик қурилмоқда. Шаҳарда жуда катта бунёдкорлик, ободончилик ишлари амалга оширилди. Шоҳи зинда мажмуасида Бибиноним макбрасига янги хиббон, Сўғдийна мазеасида Халқаро "SOS Kinderdorf international" маркази бар-

Давами 2-бетда.

### Яқун

## Ижодкорлар мукофотландилар

Мустақил юртимиз ўзига хос, ўзига мос тараққиёт йўлидан бориб, янги-янги марраларни забт этмоқда. Юз бераётган ўзгаришлар олам аҳлининг чинакам ҳайратига сабаб бўлаётди. Шубҳасиз, бундай оламшумул ўзгаришларда ижод аҳлининг ҳам ўзига хос ҳиссаси бор. Улар қалб кўри, юрак меҳри билан замонамиз ҳаётларининг рангинг ҳаётларини турли жанрларда баралла мадҳ этаётирлар. Албатта, эзу мақсадни дилга тугиб қилинган меҳнат ўз қадрини топади. Хар йили турли ижодий танловларнинг юксак савияда ўтказилаётгани, уларда энг муносибларнинг эътироф этилаётгани фикримиз исботидир. Жумладан, мустақиллигимизнинг 16 йиллигига ҳам юртимизда давом этган мислсиз ўзгаришлар ёзувчи пуб-

лицист, шоир, рассом, режиссёр актёрнинг фаолиятида муносив акс этди. Истиқлол байрами арафасида, кеча Ўзбекистон Миллий матбуот маркази биносида Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Журналистлар ижодий уюшмаси, "Тасвирий ойна" ижодий уюшмаси, Ўзбекистон уюшмаси, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, "Ўзбекино" Миллий агентлиги ва Ўзбекистон Бадиий академияси ҳамкорлигида Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 16 йил-

лигида бағишланган "Энг улуғ ва энг азиз — 2007" айнавий республика кўрик танлови голибларини тақдирлаш маррасими бўлиб ўтди.

Сўзга чинқан танлов ҳайъати раиси, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган танлов беш номини — ёзувчи ва шоирларнинг бадиий асарлари, босма ОАВ ходимларининг журналистик ишлари, телевидение ва радио ижодкорларининг материаллари, тасвирий ва кино санъати асарлари бўйича жуда кўп ижодий ишлар тушган бўлишига қарамадан улар ичидан энг муносибларини, мустақил юртимизни иқтисодий-ижтимоий ривож-

мақола тақдим қилинган, 106 нафар телерадио ижодкорлари 260 дан ортик кўрсатув ва эшиттиришларни ҳавола этгани, тасвирий санъат бўйича 325 нафар муаллиф 2500 та иш тақдим этгани, кино санъати бўйича 25 нафар муаллиф 75 дан ортик иш билан қатнашганини айтиди.

Сўзга чинқан танлов ҳайъати раиси, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган танлов беш номини — ёзувчи ва шоирларнинг бадиий асарлари, босма ОАВ ходимларининг журналистик ишлари, телевидение ва радио ижодкорларининг материаллари, тасвирий ва кино санъати асарлари бўйича жуда кўп ижодий ишлар тушган бўлишига қарамадан улар ичидан энг муносибларини, мустақил юртимизни иқтисодий-ижтимоий ривож-

Давами 2-бетда.

## «Энг улуғ ва энг азиз» республика кўрик-танлови голиблари

- 1. Ёзувчи ва шоирларнинг бадиий асарлари бўйича:**
- 1 - ўрин:** **Примкул ҚОДИРОВ**, Ўзбекистон халқ ёзувчиси — "Амир Темур сиймоси" тарихий бадиия романи учун
- 2 - ўрин:** **Маҳмуд ТОИР**, Ўзбекистон халқ шоири — "Уч достон" ва "Мендан мени сўрама" шеърый тўпламлари учун
- 3 - ўрин:** **Юсуф БЕРДИЕВ**, публицист — "Элим деб, юртим деб ёниб яшаганлар" туркумидан "Ажаб саодат" ва "Нурли из" номи китоблари учун
- Рағбатлантирувчи мукофот соҳиблари:**
- 1. Туроб НИЁЗ**, шоир — "Муҳаббат гуллари" тўпламига кирган ватан мавзусидаги шеърлари учун
- 2. Адиба УМИРОВА**, шоира — "Янги шеърлар" туркуми учун
- 2. Босма ОАВ ходимларининг журналистик ишлари бўйича:**

- 1 - ўрин:** **Абдурашул ЖУМАКУЛОВ**, "Ўзбекистон овози" газетаси бош муҳаррири ўринбосари — жамият ҳаётининг барча соҳаларида амалга оширилган демократик ўзгаришларни, мамлакатимизда олиб борилаётган бунёдкорлик ишларини кенг ёритгани учун
- 2 - ўрин:** **Ойбуви ОЧИЛОВА**, "Маърифат" газетаси ходими — "Ватанга муҳаббат сабоғи" мақолалари учун
- 3 - ўрин:** **Нуриддин ОЧИЛОВ**, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси матбуот котиби — "Фидокор", "Моҳият" ва "Хуррият" газеталарида эълон қилинган "Муқаддас майдон", "Бир сиқим туپроқ", "Бир парча ер" мақолалари учун
- Рағбатлантирувчи мукофот соҳиблари:**
- 1. "Давр овози" газетаси тахририяти жамоаси** (Фаргона вилояти) — қишлоқ ҳаёти ва муаммолари, фермер ҳужаликлари фаолиятига бағишланган материаллар туркуми учун

- 2. Гулчехра ЖАМИЛОВА**, "Сихат-саломатлик" журнали бўлим муддир — "Сени жондек асрайин, Ватан", "Юртинг учун керак бўл, ўғлон" мақолалари учун
- 3. Телевидение ва радио ижодкорларининг материаллари бўйича:**
- 1 - ўрин:** **Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг "O'zbektelefilm" давлат унитар корхонаси жамоаси** — "Мустақиллик майдони", "Умид ва зафар йиллари", "Ўзбекистон спорт олимпияри" ва "Ушлаган орзулар" фильмлари учун
- 2 - ўрин:** **Мамарасул МАМАДАМИНОВ**, "Самарқанд СТВ" режиссёри — Самарқанд шаҳарининг 2750 йиллиги муносабати билан тайёрлаган ижтимоий роликлари ва лавҳалари учун
- 3 - ўрин:** **Ақтам БЕРДИЁРОВ**, "Ёшлар" телерадиоканали муҳаррири — "Мангуликка муҳрланган мустақиллик" ва "Тошкент — ислом маданияти пойтахти" номидаги ижодий ишлари учун

- Рағбатлантирувчи мукофот соҳиблари:**
- 1. Тарлиқбай АЙТМУРОТОВ**, рассом (Қорақалпоғистон Республикаси) — "Маман бий" тарихий мавзудаги асарлари учун
- 2. Аҳдам СУЛАЙМОНОВ**, фотосуратчи — "Ижтимоий ҳимоя йили" ҳамда миллий кадрлар ва урф-одатларга бағишланган фотосуратлари учун
- 3. Эркин ЖҲРАЕВ**, рассом (Бухоро вилояти) — "Икки авлод", "Лаби ҳовуздаги тўй" ва "Қутиш" номи тасвирий санъат асарлари учун
- Рағбатлантирувчи мукофот соҳиблари:**
- 1. Тарлиқбай АЙТМУРОТОВ**, рассом (Қорақалпоғистон Республикаси) — "Маман бий" тарихий мавзудаги асарлари учун
- 2. Аҳдам СУЛАЙМОНОВ**, фотосуратчи — "Ижтимоий ҳимоя йили" ҳамда миллий кадрлар ва урф-одатларга бағишланган фотосуратлари учун
- 3. Эркин ЖҲРАЕВ**, рассом (Бухоро вилояти) — "Икки авлод", "Лаби ҳовуздаги тўй" ва "Қутиш" номи тасвирий санъат асарлари учун
- 5. Кино санъати асарлари бўйича:**
- 1 - ўрин:** **Собир НАЗАРМУҲАМЕДОВ**, режиссёр — "Ижтимоий ҳимоя йили"га бағишланган "Соғинч соҳили" бадиий фильми учун
- 2 - ўрин:** **Нигора КАРИМБОВА**, киноактриса — "Чашма" фильмида яратган Орзибиби образи учун
- 3 - ўрин:** **Ахор АҚБАРХҲАЕВ**, кинорежиссёр — "Хоразм Маъмур академияси" ҳужжат-ли фильми учун
- Рағбатлантирувчи мукофот соҳиблари:**
- 1. Эола ПАК**, бастакор — "Дугоналар", "Бор барака" ва "Яна баҳор" мультипликацион фильмларига яратган мусиқаси учун
- 2. Фахриддин ШАМСИМатов**, киноактёр — "Ҳақикий эркаклар оғи" ва "Муруват" фильмларида яратган образлари учун

Самарқанд — дунё гавҳари

Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Работи Фозиён шахарнинг кун чикар томонида жойлашган... Ул зот умргузаронлик қилган Мотурад маҳалласи бугун ҳам шу ном билан сақланиб қолган.

Исломи маданиятининг живожди-га улкан хрисса қўшган самарқандлик алломалардан яна бири Имом Абдул а-Хаким ас-Самарқандийдир.

Пайгамбаримизнинг авлоди Маккаи мукаррамда туғилган суфий аллома Мир Сайид ҳам Самарқандда яшаб, Соҳибқирон Амир Темурга пердик қилган, ўз иқтидорини Самарқанднинг ободлиги ва осойишталигига сарфлаган эди.

Пайгамбаримизнинг яна бир авлоди Қусам ибн Аббос, муслмон, насроний ҳамда яҳудийлар ўртасида бир хилда хурмат қилинади.

Самарқандда исломий маданиятнинг даражаси ана шу заминда яшаб ўтган олиму уламолар салохияти билан ўлчанади.

Самарқандда яшавган Тайлок туманида яшаган Имом ад-Дорамий ҳадис илмидан Имом ал-Бухорий-га сабак берганлиги, уни машхур муҳаддис бўлиб етиштиришида беқиёс хизмат қилганлиги маълум.

Оқдёр туманидаги Қумушкент қишлоғида яшаган Имом Сўғдий Бағдод шаҳрида таълим олган, Бухорода қозилик қилган, ислом дини-га оид бир неча шарҳлар ёзган.

Самарқанд яқинидаги Даҳбед қишлоғида яшаган Мавлоно Маҳдуми Аъзам ислом динининг рисо-вожди катта хрисса қўшган алло-малардан бири ҳисобланади.

Самарқанд IX-XII асрларга келиб қадимги Шарқнинг ярлик илмий, диний ва маданий марказига ай-ланади.

Самарқандда фаолият кўрсатган астрономлардан бири Сулаймон ибн Исмама Самарқандийдир.

Самарқандда чукр билим олган бу аллома кейинчалик Балхга бориб илмий фаолиятини давом эттир-ган.

Самарқандда астрономия илми билан шуғулланган яна бир аллома Абул Фатҳ Сайид ибн Ҳафифдир.

Самарқандда астрономия ва маданий марказига ай-ланади.

Самарқандда астрономия илми билан шуғулланган яна бир аллома Абул Фатҳ Сайид ибн Ҳафифдир.

Самарқандда астрономия илми билан шуғулланган яна бир аллома Абул Фатҳ Сайид ибн Ҳафифдир.

Абдуллоҳ ибн Идрис ал-Астро-бодий, Абдулмалик ибн Нухас ал-Хужандий, Абдусазид ибн Абу Хусайн ан-Насафий, Абу Таййиб Тохир ибн Муҳаммад Хужандий, Бурхониддин Марғиноний, Абу Каср Сайф ибн Ҳафс аз-Зоминий, Имом ибн Имом Маҳмуд ибн Шайх ал-Имом Сахл ар-Ромигоний, Хожа Муҳаммад Фазли Балхӣ, Муҳам-мад ибн Мансур Марвазий, Шам-сиддин Угандий, Абу Фаворис Бағдодий ва Хожа Зайниддин Да-масқий каби алломалар ҳам тас-диқланади.

Самарқандда Амир Темур ва Мирзо Улугбек даврида порлаган илм-фан, санъат, маданият маъғи Эрон, Хиндистон, Хуросон ва Тур-кия каби мамлакатлар илм-фани рисожди катта таъсир кўрсатди.

Қомусий олимлардан Қозивола Ру-мий, Мавлоно Аҳмад, Саъдулдин ат-Тафтанзоний, Саид Шариф Журжоний, Шамсиддин Муҳаммад, Хожа Муҳаммад аз-Зохид ал-Бухо-рий, Хожа Абдулмалик Самарқанд-ий, Тоҳуддин ас-Салмоний, Мав-лоно Убайд, Мавлоно Абдуҷаббор, Аҳмад Кармоний, Ҳофиз Абрӯ, Гибсиддин Али, Шарофуддин Али Язодий каби олимлар теурирлар соҳароидда илм-фанининг турли соҳа-ларида фаолият кўрсатганлар.

Дунё фани оламида ўнлаб буюк олимлар пайдо бўлди.

Қозивола Румий яратган табиий фанлар соҳасидаги йўналиш, риёзиёт ва юл-дузшунослик соҳасидаги Мирзо Улугбек мактаби, Али Қушчи, Гибсиддин Коший, Маҳмуд ибн Муҳаммад каби олимларнинг асар-лари Самарқанд илмий мактаби донгини бутун жаҳонга таратди.

XV асрнинг 20-йилларида Самарқандда маърифатпарвар шоҳ буюк олим Мирзо Улугбек раҳ-намолигида турли фанлар соҳасида 100 нафардан ортиқ олимлар йиғилиб, "Дорул ҳикма"

("Донишмандлар уйи") номи билан ўз даврига оқ академия ташкил қилди.

"Дорул ҳикма" олимлари риёзиёт, илми ҳайат, хандаса, жүрғофия, тарих, илми нуҷум, тиб-биёт, мустика, мантик, аруз, илми ҳисоб, Қуръони карим, ҳадис, фикх, адаб, илми ҳикмат, илми калом, араб тили каби фан соҳаларида асарлар яратганлар.

Кейинчалик Европанинг буюк файласуфий Вольтер уни "Улугбек академияси" деб атаган.

XV асрда Мовароуннахрда Нақш-бандия тарикатини юксак даража-да давом эттирган, Шош вилояти-нинг Бобисотон қишлоғида 1404 йили таваллуд топган Хожа Аҳрор Валий ҳам ўз ҳаёти ва ижодини Самарқанд билан боғлади.

XIV-XV асрларда Соҳибқирон Амир Темур ислом байрогини ба-ланга кўтарди.

Урта Шарқни мугул-лардан озод қилди.

Халифа Усмон Қуръонини Самарқандга келтириб асради, ўз даврининг муслмон дунёсидаги энг улғувр масжиди — Самарқанд шаҳар жомеъ масжиди-ни курдирди.

У бугун ҳам салоб-бат тўкиб турибди.

Амир Темур даҳаси билан бош-ланган Самарқанддаги бунёдкор-лик ишлари Улугбек замонида ҳам давом эттирилди.

Айнан шу даврда Самарқандда Регистон майдони ободонлаш-тирилди.

Улуғвор мадраса қурил-ди ва ў "Улугбек мадрасаси" номи билан дунёга машхур бўлди.

Улуғбек Чўпонота этакларида бог-саройлар ва энг замонавий расад-хона курдирди.

У ерда 30 йил да-вомида тўхтовсиз кузатиш ва ил-мий ишлар олиб борди.

Хулоса қилиб айтиш лозимки, қадимида ва ўрта асрларда Самар-қандда дунёвий ва диний илм-фан юксак даражада ривожланди.

Лекин тан олиш лозимки, Самар-қанднинг олис ва ақин тарихи ҳаммиша бир хил кечмаган: гоҳ ёруғ, гоҳ булутли ва қоронғу... Октябр инқилоби — даҳрийлик даври Самарқанд бошига жуда кўп таълофат-лар келтирди, вайронгарчилик, қаровисилик... авж олди.

Унинг сон-саногии шу қадар кўпки санаб ва айтиб адоғига етиш қийин.

Муस्ताқиллик қадимий Самар-қанд тақдирини улуг ва буюк ярат-увчилик томонга ўзгартириб юборди.

Бир неча йиллардан бун қаровисиз ётган ноёб меъморчилик ёдгорликлари таъмирланди, асл киёфасига қайтди.

Президентимиз Ислам Қаримов кўрсатмаларига асосан Шоҳи зинда, Ҳазрати Ҳизр, Регистон, Чоқардиша, Имом Бухорий, Дониёр пайгамбар, Хўжа Аҳрор Валий ва ўнлаб бошқа азиз-авлиёлар қадамжолари таъмирланди, обод қилинди, асл тарихий ҳолатига қайтарилди.

Бундай улуг бунёдкорлик ишлари Самарқанднинг эски шаҳар қисмида сўнгги 4-5 аср ичида биринчи бор амал-га оширилди.

Аҳдодларимиздан мерос бўлиб қолган ислом маданияти дурдона-лари кўз қорачиғида асралмоқда.

Булар орасида 1492 йилда қу-чилрилган муфассир Хусайн Воиз ал-Қошифийнинг қаламига мансуб "Тавсири Мавоҳиб" номли Қуръон тафсири ва 1451 йилда қуририлган ҳадислар тўплами ўзининг қадимийлиги ва безалиши билан алоҳида ажрალიб туради.

Қуръон каримнинг 50 дан ортиқ нусха-си Самарқандда, Ўзбекистон Ма-данияти тарихи давлат музейида сақланмоқда.

Ўлчамига қўра, (1,5х1,04 метри) Марказий Осиё-да ягона белгилан Амир Темур Нас-руллоҳ Қуръони ҳам шу ерда сақ-ланмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоиз-ки, муस्ताқиллик йилларида Самар-қандда диний бағрикенглик анъа-налари юксаликка кўтарилди.

Бугунги Самарқандда муслмон мас-жидлари билан бир қаторда хрис-тиан, католик черковлари, яҳудий-ларнинг синогогалари фаолият кўрсатмоқда.

Бунинг оқибатида шаҳарда миллатлараро ва динла-раро тотувлик ҳўкм сурмоқда.

Самарқанднинг тарихий шўхра-тини қайта тиклаш борасида ола-шумул ишлар амалга оширилмоқ-да.

ЮНЕСКО раҳнамолигида Мир-зо Улугбекнинг 600 йиллик (1994 й.), Амир Темурнинг 660 йиллик (1996 й.), Имом Бухорийнинг 1225 йиллик (1998 й.), Имом Моту-рудийнинг 1130 йиллик (2000 й.) юбилей тантаналари ўтказилди.

Муस्ताқиллик шарафати билан ҳар икки йилда бир маротаба Самар-қандда "Шарқ тароналари" мустика фестивали бўлиб ўтмоқда.

Самарқанд айни пайтда ҳам Ўзбекистоннинг йирик илм-фан ва маърифий марказларидан бири.

Унда 7 та олий ўқув урти, қатор илмий-тежшириш институтлари, Ўзбекистон Фанлар академияси-нинг минтақавий бўлими, ЮНЕСКОнинг Марказий Осиё хал-қлари маданияти тарихи инсти-тути ишлаб турибди.

Самарқанд қисқа мuddат ичи-да таниб бўлма қисқага кирди.

Бирдан сайёҳларнинг қадими узилмади.

Тобора қўрқам ва обод бўлиб бормоқда.

Уни мажозий маънода мазий ва бугуннинг ўртасидаги кўпчиқа киёб қилиш мумкин.

Уни бугун том маънода қўхна ва навқирон Самарқанд деб атасак тўғрирок бўлади.

Темур ШИРИНОВ, Самарқанд давлат университети ректори, тарих фанлари доктори, профессор

Мадҳ этиб мукофотландилар

Давоми. Бошланиши 1-бетда.

лантириш, ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти асослари нарпо этиш йўлида эришилган улкан ютуқларни халқимиз ва жаҳон жоматчилигига етказувчи, маънавий меросимиз ва миллий қадриятларимизнинг ёш авлодни она-Ватанга

муҳаббат ва садоқат руҳи-да тарбияланишдаги ролини кўрсатувчи, ижтимоий ҳаёт-даги демократик ўзгаришлар ва янгилаш жараёнлари акс эттирилган ижодий ишлар муаллифлари танлаб олингани ҳақида гапирди.

Сўнгра танлов ташкилий қўмитаси раиси ўринбосари, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Ш. Фуломов танлов

ғолибларини эълон қилди. Тадбир сўнгида "Энг улуг ва энг азим — 2007" республика кўрик танлови ғолибларидан Ўзбекистон халқ шоири М. Тоиров, журналист А. Жумақулов, фотомуҳбир В. Шляхтин ва бошқалар танлов ташкилотчиларига ўз миннатдорчиликларини билдирди.

Қуйида танлов ғолибларининг мулоҳазалари билан танишасиз.

Туроб НИЁЗ:



— Албатта, ҳар бир ижодкор Ватан ва унинг муқтақиллиги ҳақида шеърлар ёзади.

Уша шеърларнинг халққа маъқул бўлиши шоир учун катта бахт ҳисобланади.

Мен бугун ана шу бахтдан масрурман.

Ийғирма беш йил давомиде ёзилмиш шеърларим жамланган "Муҳаббат гуллари" тўпламининг мукофотга лойиқ топшигани менга гоёт мамнун этди.

Озодлик наҳидаси ҳақида шеърлар битиш ҳар бир шоирга насиб қилсин!

Нигора КАРИМБОВЕВА:



— Ёлқин Тўйчиевнинг "Чашма" фильмида яратган Оразибиби ролим учун мукофотга сазовор бўлиб турибман.

Киноасар ўзбекларнинг бир-бирига бўлган меҳр-оқибати ҳақида.


Бош қаҳрамон — дунё кўриб келган, лекин ҳаммасидан ҳам ана шу кишлоғини афзал билиб, унда яшаб қолмоқчи бўлган чинакам ўзбек қизи Оразибиби.

У ўз муқтақилликки эга ва уни ҳимоя қилишга қодир киз.

Қисқаси, сизу биз билан бир ҳаводан нафас олаётган замонамиз қаҳрамонларидан у.

Шу жиҳатлари билан бу ролим бошқаларидан фарқ қилиб туради.

Шерзод ҲОШИМҲУЖАЕВ:



— Дизайн соҳасида ишлаб, Ватанимиз ривожига озми-кўпми хиссамни қўшишга ҳаракат қилмоқдаман.

Муқтақиллик йилларида ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий соҳаларда эри-лишган ютуқлар ижодий ишларимнинг асосий мавзуси ҳисобланади.

Бундан кейин ҳам юрти-дан ташқари ҳар иш-ишларимнинг асосий мавзуси ҳисобланади.

Муяссар УМАРОВА:



— Муқтақилгимизнинг 16 йиллик тантаналари, Марғилон шаҳрининг 2000 йиллик тўйи олдидан "Энг улуг ва энг азим" танловига ғолиб бўлиш мен учун катта бахт.

Вилоятимиз, хусусан, шаҳримиз истиқлол йилларида чи-накамига чиroy очди.

Қанчадан қанча бунёдкорлик, ободончилик ишлари амалга оширилди.

Албатта, уллар ҳақида халққа етказиш биз журналистларнинг бурчи-мизидир.

Шу йўлдаги камтаринга меҳнатимни бунчалик юксак мукофотга лойиқ топшиган экан, бундан кўнглим тоғдай кўтарилди.

Нуридин ОЧИЛОВ:



— "Энг улуг ва энг азим" республика тан-ловига қатнашининг ўзи бир бахт.

Унда ғолиб бўлиш эса ижодкорнинг камтарона фанолигига нуфузли ҳайъатнинг одилона баҳоси, эътирофи.

Менинг муқтақилли-гимиз номи билан бевосита боғлиқ бўлган бу юксак мукофотга муносив деб топилмиш ҳўкуматимиз ва мутасадди бўлган барча ижодий ташкилотларнинг республикамиз журналистлари ижодига бўлган гамҳўрлиги, деб биламан.

Бу мукофот биз, ижодкорларнинг зим-масига Президентимиз томонидан олиб борилаётган ички иш билан қўлаб-қув-ватлаш ҳамда Ватанимиз равнақи ва хал-қимиз бахт-саодати йўлида амалга оши-рилаётган ислохотларда камарбаста бўлиш масъулиятини юклайди.

Бу юкни кўтаришга қодирмиз.

Камола МИРЗОҒАБОВА

Юксак савияда ўтади

Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Мирзо Улугбек кўчасида мустика ва санъат коллежи, концерт зали ва "Бахт уйи" бинолари, Абдурахмон Жомий билан Темур Малик кўчаси кесишган жойда тиббий диагностика мар-кази, Самарқанд халқаро аэропорти, темир йул вок-зали ва автошоҳбөкат қайта реконструкция қили-ниб, ён-атрофлари тўлиқ ободонлаштирилди.

Амир Темур ҳибониде манзара-лий дарахт ва гул қўчатлари экилди, чим ётқизилди, кечки ёритиш ускуналари ўрнатилди.

Сибё деҳқон бозори ре-конструкция қилиниб, обо-донлаштирилди.

"Шодийё" савдо маркази қури-лди. Шаҳар худудида ягона лойиҳа асосида белги-ланган жойларга 60 та замо-नावий бекатлар барпо этилди.

"СамАвто" қўша маркази ишлаб чикарган 150 та янги автобус йўна-

лишлар бўйича шаҳарлик-лар ва меҳмонларга хиз-ма кўрсатади.

Шаҳарининг 2750 йиллиги ва "Шарқ тарона-лари" фестивалининг асо-сий тантанали қисми Ре-гистон майдонида ўткази-лади.

"Шарқ тароналари" хал-қаро фестивалига ер юзи-нинг 54 та мамлакатидан меҳмонлар келиши кутил-моқда.

400 нафардан ортиқ хорижлик меҳмонларга ша-ҳарда 45 дан ортиқ меҳ-монхоналар хизмат кўрсат-тади.

Бир сўз билан айтган-да, айни пайтда Самарқанд барча меҳмонларни қутиш, тадбирларни ўтказишга тап-тайёр турибди.


Ва барча тадбирлар юкори савия-да ўтади, деб умид қила-миз.

Сўхбатдош: «Hurriyat» махсус муҳбири Убайдулла ХўЖАНИЕЗОВ

Хабар

Адиб хотирасига бағишланди

Бўстонлик туманидаги Озод Шарафиддинов номили Ёзувчилар дала-боғида ижод-корлар ўртасида "Абдулла Қаҳҳор соҳрини" учун шахмат мусобақаси бўлиб ўтди



Бўстонликнинг Хўжакент деган қўрғониде пойтхтлик ижодкорларнинг 60 га яқин дала-боғи борлигини эндиликда кўпчилиқ билади. Бир пайтлар раҳматли Озод ака Шарафидди-нов уни Дадахон Нурийнинг "қалъа"и деб атагандилар.

Дала-боғ номини кенг ёйиши-га биринчи сабаб унга Ўзбекистон Қаҳра-мони Озод Шарафиддинов номи берилгани бўлса, иккинчиси, ана шу ерда ҳар йили шоир, ёзувчи, адабиётшунос ва журналистлар ўрта-сида шахмат мусобақаси ўтказиб келинаётган-дир.

2005 йил 14 август кўни шундай мусо-бақа ўтказилганда Озод ака яшн ниат қилиб: "Бўстонлик турнири аёнана тусини олди. Энди бу — шахмат баҳона барча ижод аҳлини дийдорлашув ануҳумани бўлиб қолиш керак", дегандилар.

Газета «Ўзбекистон ҳаво йўллари» самолётларида тарқатилади



Мақтуб

Мамлакатимизда ўтказилаётган барча ислохотлар халқ турмуш фаровонлигини ошириш, иқтисодийтни юксалтириш, бир сўз билан айтганда, Ўзбекистоннинг буюк келажигини таъминлаш мақсадига йўналтирилган.

Жумладан, мамлакатга чет эл инвестицияларини жалб этиш, қўша корхоналар ташкил этишдан мақсад ҳам шу.

Лекин айрим сармоядорлар, ҳамкорлар тутабтган йўлдан ҳайрон қоласан киши.

Келинг аҳисси, яқинда бизнинг очик турдаги ақциядорлик жамияти билан боғлиқ бўлган воқеаларга қулоқ тўтин.

2006 йилнинг ноябрь ойида аҳши ниятлар билан Россиянинг "BAЦЭТ" масъулияти чекланган жамияти ишти-рокида "UzRossetTrade" қўша кор-хона ташкил этилган эди.

"ВАЦЭТ"ни излаб юрибмиз

дан, шунда ҳам қўша корхона устас жамғармасини шакллантириш учун эмас, шартнома асосида молиявий ёрдам сифатида келиб тушганлиги маълум бўлди.

Албатта, бу ҳолатни қўша корхона бош директори А. Огай билмасли-ги мумкин эмас.

Унинг била-кўра ту-риб бундай ишга қўл уришдан макс-ади нима эканлиги бизга номаълум.



меҳнат шартно-маси ҳам имзо-ладим.

Шундай экан, "UzRossetTrade" қўша корхона-сининг вакиллари бу болада икки марта қонунбузарликка йўл қўйиш-моқда.

Р. САГДУЛЛАЕВ, "Хумсон санаторийси" ақциядорлик жамияти директори М. НАВРУЗОВА, "O'zbekqishloqsavdo" масъулияти чекланган жамияти ҳуқуқшуноси

Дараклар

**Араб компанияси Европа биржасини сотиб олмоқчи**

**Бирлашган Араб Амирикларининг Borse Dubai компанияси Шведиянинг OMX биржаси учун 27,7 миллиард крона (3,96 миллиард доллар) таклиф қилди.**



Бунга қадар OMXга Американинг Nasdaq компанияси ҳам харидор бўлган эди. БАА компанияси таклиф қилаётган пул Nasdaq белгиланган нархдан 14 фоиз юқори.

OMX биржаси Borse Dubai таклифини ўрганиб чиқяпти. Бироқ биржа раҳбари ҳозирданок Америка компаниясига мойилроқ эканини билдирган. Чунки швед биржасининг Nasdaqга қўшилиши натижасида бош офис Стокгольмдан Нью-Йоркка кўчирилади ва OMX раҳбари бирлашган компания бошлиғи бўлиши ҳам мумкин. Мутахассислар Nasdaq араблар билан рақобат муҳитида таклиф қилинган баҳонини ошириши мумкинлигини айтишмоқда. Нега деганда, америкаликлар бундан аввалроқ Лондондаги LSE биржасини нарх бўйича келишолмай кўндал чикаришган.

OMX компанияси Копенгаген, Стокгольм, Хельсинки, Рейкьявик, Рига, Таллин, Вильнюс каби Европа шаҳарларида савдо майдонларига эга.

**Хитой уяли телефонлари сохта...**

Хитой уяли телефон бозорининг чорак қисмини сохта маҳсулотлар эгаллаган. China Tech Newsнинг маълум қилишича, биргина 2007 йилнинг биринчи ярим йиллигида Хитой бозорларида 23,34 миллион дона сохта маҳсулот сотилган.



Ҳозирда ҳозирнинг бошқа электроника моллари каби уяли телефонлар ҳам Хитой ҳудудидан қонунга зид равишда ишлаб чиқарилади. Дунёнинг бешдан бир аҳолиси истикомат қилаётган мамлакат кўп йиллардан бери электроника товарлари қарқочлиги бўйича мутлоқ етакчи саналади. Европа Иттифоқи версияси бўйича Хитой сохта товарлар ишлаб чиқаришда биринчи ўринда туради.

**Қоғоздан... батарейка**  
**Америкадаги Ренсселер политехника институти ҳодимлари янги батарейка турини иштироқ қилишди. Ишлаб чиқарувчиларнинг маълум қилишича, батарейка бошқа энергия манбаларидан кескин фарқланади. Яъни у худди қоғоз каби 90 фоиз целлюлозадан ташкил топган.**



Ҳажми бор-йўғи бир неча сантиметрлик батарейка -70 дан +150 градусгача бўлган ҳароратда ишлайди. Албатта, янги энергия манбасининг баҳоси жуда юқори. Лекин яқин келажакда ҳозирча илк намуналари мавжуд батарейкалар катта талаб асосида кўп миқдорда ишлаб чиқарилиши кутилмоқда.

**Мельбурнлик Ван Гог сохта бўлиб чиқди**

Нидерландиялик экспертлар ҳозирга қадар Мельбурн миллий галереясида сақлаб келинаётган ва Винсент Ван Гог қаламига мансуб деб келинган "Эркак портрети" машҳур расм томонидан чизилганини рад этишди.




Номаълум эркак акс этган сурат 1920-йилларда топилиган. Портрет 1939 йили таниқли медиа-магнат Руперт Мёрдокнинг отаси Кейт Мёрдок томонидан Австралияга келтирилган. Кейинроқ сурат Мельбурндаги Викториа галереясига олиб келинган. Сохта деб эълон қилинганга қадар портрет 25 миллион Австрали доллар (21,4 миллион АКШ доллар)га баҳоланган.

Суратнинг сохталиги тўғрисида илк фикр у Эдинбургдаги кўчма кўргазмага келтирилган пайтда пайдо бўлди.

**Рангли карам — саратонга даво!**

Рангли карамнинг кўп истеъмол қилиниши саратон касаллиғи хавфини камайтиради. Канада олимлари томонидан ўтказилган тадқиқотлардан кейин ана шундай хулоса эълон қилинди.



Олимлар простата саратони қайд этилган 1300 дан ошқ эркакларда юз берган ўзгаришларни таҳлил қилиб чиқашди. Маълум бўлишича, яшил гиёҳлар ва крестгудошлар оиласига мансуб сабзавотлар, хусусан, рангли карамнинг доимий раціондан мавжуд бўлиши инсоннинг саратонга қарши кураш қобилиятини ошира экан. Таҳлилларга кўра, ҳафта давомида тез-тез карамли таомларнинг тановул қилиниши касаллик хавфини 52 фоизга камайтирган.

Кейинги тадқиқотлар рангли карам таркибиде саратон таёқчаларини йўқ қиладиган моддалар мавжудлигини кўрсатди. Шу боис ҳам мутахассислар саратонга қарши парҳез жараёнида ушбу сабзавотни кўпроқ истеъмол қилишни тавсия қилишмоқда.

Тафсилот

**Парда ортидаги рақиб**

Инглиз разведкаси жосуси уч нафар рус махсус хизмати агентини тузоққа туширган...

Махфий хизматларда парда ортида — омма назаридан четда бўлиш олтин қоида ҳисобланади. Кимки бу қоидадан сизга, яъни ўзини ошкор қилиб қўйса, шафқатсиз жазоланади. Мамлакатнинг сараланган фуқаролари фаолият юртакдан жосуслик тизимида садоқат ва ватанпарварлик энг устувор фазилат экани ҳам сир эмас. Лекин давлатлар ўртасида жосуслик ўзини кучайиб бораётган бундан разведка хизмати агентларининг бошқа мамлакат томонига оғиб кетиши ҳолатлари ҳам бот-бот кузатилмоқда.

Шу кунларда Россия оммавий ахборот воситаларида М16 инглиз разведкаси агенти Антонио Алварес де Идалго номи жуда кўп тилга олинган. Маълум бўлишича, узоқ йиллар дипломат иқобида фаолият юритган жосус Россия махсус хизматининг бир нечта юқори унвонли ҳодимларини ўзига оғдиришга муваффақ бўлган.


Бундан бир неча ой муқаддам Лондонда вафот этган Александр Литвиненко ўлими бўйича Россия махсус хизматининг собиқ ҳодими Вячеслав Жарко ҳибсга олинган эди. Тергов жараёнида номи зикр этилган агент

хизмат қилгани ва инглиз разведкаси фойдасига ишлагани ҳам фош бўлди. Рус агенти ким томонидан тузоққа туширилгани суриштирилганда эса Антонио Алварес де Идалго номи юзага чиқди. Текширувларда аниқлашди, А. Алварес иш жараёнида кўплаб сохта номлардан фойдаланган. Узини гоҳ сайёҳ, гоҳ эса дипломат деб таништирган.

Алварес ўн йиллар давомида рус махсус хизмати қарши курашда фаол иштирок этган. Кўпчилик кузатувчилар уни инглиз разведкасининг Россия бўйича энг яхши мутахассис деб эътироф этиши ҳам тасодиф эмас. Ушбу агентнинг исми-шарифи бунга қадар ҳам рус жосусларига қарши олиб берилган жиноий ишларда қайд этилган.

Алварес де Идалго 1999 йили Эстония пойтахти Таллинда Буюк Британия элчихонасининг биринчи котиби лавозимда хизмат қилиб юрган пайтда захирдаги махсус хизмат офицери Валерий Оямяэни тузоққа туширилгани билан келган собиқ разведкачи тузоққа муқофот эвазига қироллик фойдасига ишлай бошлаган. Унга Россиядаги сайловолди ҳолат, шунингдек, рус разведкаси ҳодимлари ҳақида маълумот йиғиш топширилган. В. Оямяэ 2001 йилда кўлга тушган, айбига иқдор бўлган ва етти йилга озодликдан маҳрум этилган.

Алварес 2006 йили яна бир рус агенти подполковник Сергей Скрипални ҳам инглиз разведкасига хизмат қилишга кўндирган олган. Бу гап у ўзини Пабло Миллер деб таништирган. Ундан ҳам Россияда-



Антонио АЛВАРЕС

Хуллас, Антонио Алварес М16 агенти сифатида жуда кўп ўрилларда асосий қаҳрамон вазифасини бажарган. Агент зиммасидаги вазифани муваффақиятли урдалагани эътирофга лойиқдир. Лекин унинг номи ортқича машҳур бўлиб кетгани разведка қоидадасига мос эмас. Ҳарқалай, махфий хизмат учун ҳаммага танилиб улгурган ҳодим фойдадан кўра кўпроқ зарар етказиши турган гап.

Абдул СОБИР тайёрлади

**Қойилмақом қонунлар**

Қонун деганда жамият осойишталиги ва тараққиётга хизмат қиладиган жиддий ҳужжатларни тасаввур қилишга одатланганмиз. Лекин дунёнинг айрим мамлакатларида шундай қонунлар ҳам қабул қилинганки, уларга жиддий мезонидан туриб баҳо бериш жуда қийин. Энг қизиғи, бу каби антиқа қонунлар ҳалигача амалда...

- Буюк Британия парламенти биносида вафот этиш ман этилади.
- Францияда чўчка боласига Наполеон исмини бериш тақиқланади.
- Алабамада машинани кўзи богланган ҳолда бошқариш мумкин эмас.
- Майамида полиция биносида скейтбордда учган шахс жавобгарлик қилиши мумкин.
- Лондонда фахрий фуқаро мактабига эга бўлган шахс шаҳар марказидаги кўприкдан кўйлар отарини бож тўламадан ҳайдаб ўтиш ҳуқуқига эга.
- Сальвадорда машинани маст ҳолда бошқарган ҳайдовчи отувга ҳукм қилиниши мумкин.
- Флоридада яқшаба қуни парашютдан саркадан боши очқ аёллар қамоққа ҳукм қилинади.
- Лондонда вабо касалига чалинган одам такси тўхтатиши ман этилади.
- Йоркнинг эски шаҳар қисмида шотландларни ўлдириш мумкин эмас. Шотландиялик ўқотар қурол ёки... пиёлага эга бўлган ҳол бундан мустасно.
- Колорадо штатида қушларни ўлдириш қатъиян ман этилади. Шунингдек, штат аҳолиси уй ҳайвонлари боқилиши ҳам мумкин эмас.
- Буюк Британия соҳилларида ўлик ҳолда топишган китнинг боши мамлакат қиролига тегишли. Улкан жониворнинг думи эса қиролича ихтиёрида — китнинг суғи қимматбахо тақинчоқлар тайёрлашда керак бўлиб қилиши мумкин.

Муаммо

**Қора олтин бозори: инқироз аломатлари**

Яна беш йилдан кейин дунё иқтисоди нефть инқирозига дуч келиши мумкин. Қора олтин бозорининг кескин кўтарилиши рўй беради. Оқибатда эса Фарб мамлакатларининг Нефть экспорт қилувчи давлатлар ташкилоти (ОПЕК) га қарамлиги бундан-да ортади. Мазкур хулоса жаҳон энергетика бозоридеги ҳолатни таҳлил-тадқиқ қилувчи нуфузли ташкилот — Халқаро энергетика агентлиги томонидан билдирилган.

Охириги йилларда ривожланаётган мамлакатларда нефтьга бўлган талаб кескин суръатда ортади. Ташвишланарлиси, энергия манбасига бўлган талаб шиддат билан ўсишда давом этапти. ОПЕК давлатлари ҳар доим ҳам нефть нархини юқори даражада ушлаб туриш, таклифини қискартиш орқали унга бўлган талабни ошириш сиёсатини юритиб келган. Дунё нефтининг даярили 90 фоизига эгаллик қилаётган ташкилотнинг бундай йўл тутиши табиий, албатта. Ахир, худудига Яратганининг марҳамати билан бу қадар улкан табиий бойликлар аширинган мамлакатларга ишлаб чиқаришни ошириш ва нархни туширишга буйроқ бериб бўлмайди. ОПЕК билан бу борада кўпма кўп топилмаган йирик ишлаб чиқарувчи давлатлар нефтьга бўлган эҳтиёжини қондириш учун маъмул йўл топгандай бўлиши: ОПЕКка аъзо бўлмаган давлатлар

лией денгиздаги захиралар тобора камайиб борапти. Ана шундай мураккаб бир вазиятда Россиянинг Узоқ Шарқдаги очилган қонларни ишта тушириши ҳам худди атайин қилингандек орқага сурилаётгани нефтьга чанқок давлатларнинг хубобини оширяпти. Халқаро энергетика агентлигининг таҳлилий ҳисоботи нефть нархи ўтган йилга каби рекорд даражада ошган пайтга тўғри келди. Шу кунларда Brent типидеги нефтьнинг баррели 76,34 долларга баҳоланмоқда. Нарху наво кўнгилдагидек бўлгани туфайли нефть етказувчи давлатлар ҳам аллақачонлар харидорлар учун чеғирмаларни қисқартириб ташлашди.

Мутахассисларнинг ҳисоб-китобига ишонган бўлсак, ахвол ҳозиргидек давом этса, нефтьга бўлган талаб сўнгги беш йилда яна 2,2 фоизга ошади. 2012 йилга бориб эса дунё давлатларининг қора олтинга бўлган қулниқ эҳтиёжи 95,8 млн баррелга етади. Ҳозирги мураккаб шароитда мутахассислар муносиба борасида турли вариантларни илгари суришяпти. Баъзилар энг охириги чора сифатида

лион баррель нефть ишлаб чиқармоқда. Бу рақам қанчалик катта бўлмасин, умумий талаб олдида ҳеч гап эмас. Қора олтин бозоридеги инқирозли вазият эса нефть нархини эмас, уни ишлаб чиқариш ҳажмининг кескин даражада охириши талаб қилапти. Лекин ОПЕК давлатлари ҳам ўзига қолганда, жуда қайсар ва чўртқесар. Фарбининг қора олтинга муҳтож давлатлари эса ҳозирча араблар кўнглига йўл топа олишмаяпти.

С. КАМОЛ

Ҳамкасб

**Фельетон ёзарди**

**Абдурасул Отамуродов ёзган мақолаларнинг замирида долзарб, ҳал этилиши лозим бўлган теран масалалар туради. Шунинг учун у эълон қилган турли жанрдаги материаллар ўқувчи қалбига тез етиб боради ва муносиб акс-садо беради.**

Эсимда, 1989 йили Фаллаорол туманидаги Чияли қишлоғида яшовчи Назар ака Уролов «Фаллаорол овози» газетасига мурожаат қилди. А. Отамуродовга уруш йилларида Ленинград шаҳрининг Кировск туманидаги қардошлиқ қабристонига дафн этилган Назар аканинг отаси Урол Раҳматовнинг мазоридан бир қафт тупроқ олиб келди. Туман газетасида бу жараён ҳақида жуда таъсирли лавҳа берди. Уни ўқиганлар шундай жонкуяр, ўз касбининг фидойиси А. Отамуродовга қойил қилишди. Шундан кейин унга келиб, дил дардини очадиган фаллаоролликларнинг сафи кенгайди. Ҳаётдаги долзарб муаммоларни ҳал этишда кўмак-

лашишга ёрдам беришини илтимос қилдилар. Туман кенгашининг депутати этиб сайладилар. Тумандаги бозор муаммоси, савдо тармоқларидаги фирморликлар, аҳолига транспорт хизмати кўрсатишдаги сансалорликлар тўғрисида ўткир фельетонлар ёзди.

А. Отамуродов — олий маълумотли журналист. ТошДУ (ҳозирги ЎЗМУ) нинг журналистика факультетини тугатиб, 32 йилдан бери оммавий ахборот воситаларида турли лавозимларда ишлаб келмоқда. Бугунги кунда «Фаллаорол овози» газетасининг масъул котиби сифатида материалларнинг сифатли ва ўқишли бўлиши учун ижодий ҳодимларга катта имконият яратмоқда.

— Газетамизнинг нусхаси 2 мингдан ошади, — дейди муҳаррир Шоди Отамуродов. — Бу бозор шароитида катта курсаткич. Газетамиз ҳаётида устоз Абдурасул аканинг хизматлари катта.

Пардабой ТОҶИБОВ

**Жамият билан ҳамнафас**

Ўзбекистон демократик жамият шакллантириш, бу борада жаҳондаги ривожланган давлатлар эришган илғор таҷрибаларни ўрганиш, амалга татбиқ этиш борасида катий ҳаракатларни амалга ошириб келмоқда. Шу билан бирга мамлакатни модернизациялаш, фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш, эркин иқтисодий қарор топтириш, кишиларда ўз қадр-қимматини англаш тўғрисида уйғотиш, маънавий қадриятларни қайта тиклаш, келажакда буюк мамлакатни барпо этиш каби йўналишларда белгилаб олинган дастурларни рўйбга чиқариш бўйича олдимизда улкан вазифалар турибди.

Айнан мана шу жиҳатлар бугунги кунда мамлакат сиёсий саҳнасидеги бешта сиёсий куч — партияларнинг ижтимоий, сиёсий ва парламент фаолияти соҳасидаги устувор, стратегик ва тактик мақсад ҳамда вазифаларини белгилайди. Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси ҳам мазкур эзгу мақсад йўлида фаолият юритиб келаятган сиёсий бирлашмалардан.

Партия 1995 йил 18 февралда биринчи таъсис қурултоида ташкил топди. "Адолат" Ўзбекистонда вужудга келган илк социал-демократик партиядир. Унинг бош мақсади — мамлакатимиз мустақиллигини мустақамлаш, ислохотларни жадаллаштириш, ҳуқуқий-демократик, адолатли фуқаролик жамиятини барпо этиш ва Ўзбекистоннинг ривожланган мамлакатлар сафидан мустаҳкам ўрин олишига муносиб ҳисса қўишдан иборат. "Инсон манфаатлари — энг олий қадрият!" сўзларини бош широр деб билган "адолатчилар мафқураси негизиде инсоний меҳр-оқибат марказий ўрин тутди. Шу сабабдан ҳам партиямиз 2006-2009 йилларга мўлжалланган Фаолият дастурида асосий йўналишлардан бири сифатида ижтимоий ҳимояни қучайтиришга алоҳида эътибор қаратилган. Партия жамиятдаги ижтимоий

ахлоқий мавзуларда тадбирлар, таниқли адабиёт, санъат, фан намояндлари билан учрашувлар, аёлларни ҳуқуқий ва сиёсий онгини юксалтиришга қаратилган ўқув семинарлари жойларда мунтазам ташкил этилмоқда. Бир сўз билан айтганда, партия аъзолари жамиятда аёллар ҳуқуқ ва манфаатларини қатъий ҳимоя қилиш учун курашяптилар.

Юртбошимиз томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига қонунчилик ташаббуси тартибда киритилган "Давлат барқарорлиги янгиланган ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини қучайтириш тўғрисида"ги конституциявий қонун лойиҳаси Олий Мажлис Сенатининг 9-яли мажлисида қабул қилинган хабарингиз бор. Бу эса 2008 йил 1 январидан мамлакатимизда буткул янги сиёсий ҳолатни вужудга келтиради. Ҳўш, бу янги сиёсий воқеа-ка "Адолат" СДП қай даражада тайёр? Партия фаолияти ушбу конституциявий қонунлар қўйишга талабларга тўла жавоб бера оладими?

Айнан шу мазмундаги масалалар жорий йилнинг 7 апрелида пойтахтимиздаги "Le Grand Plaza" меҳмонхонасида бўлиб ўтган тадбирда атоқли мухокама қилинди. "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши аъзолари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар партия Кенгашлари биринчи котиблари, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси аъзолари иштирокидаги мазкур семинар-кенгашда партиянинг бугунги кундаги ютуқ ва камчиликлари хусусида сўз борди.

2007 йилга келиб, партия



ҳаётидаги ижобий ўзгаришларни қучайтириш мумкин. Масалан, аъзоларининг сони 58854 нафарга, яъни 2005 йилга нисбатан деярли 6 минг кишига кўпайди. Уларнинг 26482 нафарини аёллар (44%), 18379 нафарини эса 30 ёшгача бўлган ёшлар (31%) ташкил этди. Бошланғич партия ташкилотлари сони 1200 дан ошди.

Фракция мажлисларида 30 дан ортқ қонун лойиҳалари бўйича 300 дан ортқ таклифлар тайёрланган ва тегишли қўмиталарга тақдим этилгани қонун ижодкорлиги борасидаги фаолият қўламини ҳақида тасаввур йўғотади.

Шунингдек, фракция аъзолари жойлардаги партия ташкилотлари билан биргаликда мамлакат Президенти томонидан Қонунчилик палатасига киритилган конституциявий қонун лойиҳаларининг мазмун-моҳияти, мамлакатимиз сиёсий тизимидаги ахамияти тўғрисида тушунириш ишлари бўйича 194 та тадбир ўтказилди.

Бундан ташқари, фракция аъзолари томонидан жойларда аҳолининг ҳуқуқий онгини ошириш, ҳуқуқий саводхонлигини юксалтириш мақсадида қатор учрашувлар уюштириб келинмоқда. Яна бир эътиборли жиҳати шундаки, аҳоли билан доимий-ва яқин мулоқот ўрнатиш мақсадида туманларда қабулқонанлар ташкил қилинди. Бу ерда фуқаролардан келиб тушган мурожаатномалар ўрганилиди. Утган йил мобайнида фракция депутатлари йўлланган мурожаатларни ўрганиб чиқиб, муаммолар ижобий ҳал қилинишини таъминладилар. Охириги икки йил мобайнида партия тарафдорларининг сони кундан кунга кўпайиб бормоқда. Бу эса партиянинг мақсад ва ниятлари эзгулигидан далolat.

Фарҳод ЭСАНОВ

Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди моддий қўмағида тайёрланди. Лойиҳа: «Демократик жамият қурилишида аҳолининг фуқаролик позициясини шакллантириш ва фуқароларнинг фаоллигини ошириш масалалари».



АХВОЛ

Сўз — инсон табиатининг ишвагар дилбари

Ўзбекларнинг улуг романнавис ёзувчиси Абдулла Қодирий айтганидек: "Сўз сўзлашда ва ундан жумла тузишда узоқ андиша керак". Бу гап бежизга айтилмаган. Мен ҳам ушбу мақолани ёзмайми, дея кўп ўйладим. Ниҳоят, яхши ниятлар билан кимгадир фойдаси тегадиган умидда қоғоз қоралашга жазм қилдим. Ахир ўзинг бир вақтлар ишлаган улуг даргоҳ ҳақида бирор нарса дейиш анча қийин кечади. Мен ҳам озми-кўпми шу дарсоҳнинг ноин-тузини тотаганман.

Таниқли радиожурналистлар, раҳматли устозларимиз Шухрат ака Қосимов, Хайдарали Исроилов, Абдукарим Абдуазимов, Рихсидой Пулатов, Наримон Ирисов (Аллоҳ раҳматига олган бўлсин), Абдуазим Алимов, Анвар Абдувалиев, Шавкат Амиров, Мунира Ганиева, Эркин Худойбергандон, Аҳмаджон Бузруков каби забардаст журналистлар билан бирга ишлаганимдан, ҳамкасб бўлганимдан ҳанузгача фахрлини юрман, уларнинг яхши жиҳатларини ҳар доим тилимдан бол томби мақтаб келаман. Радионинг яхши жиҳатлари жуда кўп. Улар тўғрисида ҳар қанча ёзса, ҳар қанча гапирса оз. Айниқса, ҳозир замон ўзгарди, яхши томонга ўзгарди. Шунга қараб талаб-истаклар ҳам янгича маъно-мазмун касб этмоқда. Ахборот тезкорлиқни талаб этипти ҳар бир ҳодимдан. Замонага мос телекўрсатувлар ва радиоэшиттиришлар тайёрланапти, уларнинг ранг-баранглиги ортиб, мазмунан бойиб бормоқда. Бундай ютуқлардан кўз юмиб бўлмайди. Ютуқлар ҳақида ёзмаман десам, ўзи бир олам бўлади, мен бу мақоламда айрим мулоҳазаларимни газетхонлар билан ўртоқлашмоқчиман.

Фикр-мулоҳазаларимни шу кунларда таваллудининг 100 йиллиги нишонланаётган сеvimли адимиз Абдулла Қаҳҳорнинг қуйидаги сўзлари билан бошламоқчиман: "Жуда бой, чиройли тилимиз бор. Бу тилда ифода этиб бўлмайдиган фикр, туйғу, ҳолат йўқ! Бу тил эллиқ йил ичида шундай бир қудрат касб этдики, халқимизни жаҳон, рус маданиятига шерик қилиб қўйди. Афсуски, радиомиз мана шу бой, чиройли, пурқудрат тилда гаплашмайди". Бу фикрлар айтилганига ҳам сал кам ярим аср бўляпти.

Радиодан берилётган ҳар бир сўз маълум бир мақсадга қаратилган бўлади. Энди мана шу сўзга диққат қилинг: "Рек... Рек... Рек... Реклам...". Ҳар кун юз марта талаб эфирда таралаётган ушбу сўз орқали нима дейилмоқчи? Бу қандай мақсадга қаратилган? Ўзбеклар шундай омики, ҳатто битта сўзни ҳам эплаб талаффуз қила олмайди демоқчимиз? Ёки бу билан ўзбекларнинг ҳаммасини дудуқ демоқчимиз? Ёки мана бу жумлага эътибор беринг: "Телефонни эслаб қолиш жуда осон. Иккита бир, иккита икки, тўртта хи-хи-хи-хи". Бу билан тинловчиларни аҳмоққа чиқаряптими ёки мазаб қиялтирми? Бундай ҳол телекўрсатувларда ҳам мавжуд: "Так-такдан хо-хогача..."

Такрорлар жуда кўплиги ҳақида аввал ҳам ёзган эдим. Бироқ камийиш ўрнига кўпайиб бормоқда: "Ўзбекистон радиоканали — оддий ва самимий тўлқинлар жилоси" ёки "Кўёш нурини жиловлаш аждодларимиз орузси. Араббой орзуларингиз рўёби" каби жумлалар ҳаддан зиёд кўп берилмайдигани, тинловчиларнинг жонидан ўтиб кетаяпти. Айниқса, "Сиз 103,1 радиоканалини тинглаясиз" жумласи ниҳоятда кўп берилади. Ахир тинловчи аҳмоқ эмас, қайси канални кўяганини ўзи билади. Яхши бир кўшиқ эшитаётганингизда кўшиқнинг белгила тегиб, мусикаси устида бошловчи гап кўшиб юборади: "Радионингизнинг мурватини баландроқ буранг. Бу кўшиқ 103,1 да". Ахир биров кўшиқни, биров мусикани тинглайди. Кўшиқни тинглаш буткул ихтиёрий нарса, хоҳлаган одам ўзи истаган ҳолатда эшитади, хоҳламаса, пул бериб ҳам унга эшиттирма олмайсиз. Шундай экан, нега энди бошловчи тинловчига буйруқ беради? Ким ўзи у? Нега таниқли бир хонанда ёки машҳур бир ҳофизнинг кўшиғи устидан ўзича сўз қўшади? Бунга унинг нима ҳаққи бор? Машҳур кўшиқчиларни менсимаслик эмасми бу? Тинловчига ҳам ҳурматсизлик эмасми бу? Ахир биров кўшиқни жон дили билан тинглаётганда томдан тараша тушгандай биров гапириб юборса қизиқ-да. Бундай бақчаналикларга чек қўйиш керак. Имкон қадар радио ва телекўрсатувлар жиддий бўлмоғи керак. Яна бир рекламасифат ролик айлан-тирилади, жуда-жуда кўп такрорланади: "Меткалу... дуррия-я... бир сатр хинда кўшиқ, орқасидан: "Яна бир сен каби жонон борлигига ишонмасман", яна орқасидан "Биё... жонон... биё..." тожиқча кўшиқ, ҳаммаси бир сатрдан берилди. Бу нима учун керак? Бу билан нима дейилмоқчи? Мақсад нима? Шу ҳақда ҳеч ким бир ўйлаб, бош қотириб қурди-ми? Ёки бўлмаса, Сайёра Қозиева ижросида бўлса керак: "Хай, хай Эмилада... хай, хай Эмилада..." шу сатр қайта-қайта та-

роланаверади, нима дейилаётганига ҳеч ким тушунмайди. Бундай кўшиқ (кўшиқ ҳам деб бўлмайди) кимга ва нимага керак бўлиб қолди? Хуллас, сўз қўллашда ниҳоятда эҳтиёткорлик зарур. Сўзнинг кучини, қудратини арзимаган нарсаларга сарф қилиш ҳам ярамайди.

Абу Шукур Балхийнинг сўз ҳақида шундай фикрлари бор: **Сўз кучидан йиқилур минбар ҳам, дор ҳам, Сўз бирла чиқар индан илон-мурдор ҳам.**

Шундай экан, сўз экан деб ҳар нарсани гапиравериш керак эмас. Етти ўлчаб бир кесиб лозим. Чунки радиони миллионлаб одамлар эшитади. Шу сабаб ҳар сўзни ўз ўрнида, ўз вақтида, ўз муҳитида қўллаш лозим. Ҳадеб бир сўз ёки жумлани такрорлай-вериш ҳам тинловчиларни бездириб қўяди. **"Сўз — инсон табиатининг ишвагар дилбари, у кўзга кўринмайдиган парисифат бир нозанинидир"**, деган эди буюк бобомиз Алишер Навоий. Ёки Шерали Лойиқ сўз ҳақида шундай деган эди:

**Сўз камонки, ўқдин норасога омон йўқ, Сўз жаҳонки, кўркидан ўзга жаннат макон йўқ...**

Мақоламини Абдулла Қаҳҳорнинг сўзлари билан бошлагандим. Сўзимни яна машҳур адибнинг қуйидаги гаплари билан якунлайман:

**"Нима учун тилимизнинг қонун-қоидалари бузилаётди? Нима учун кўча ҳаракати қоидадини бузган кишига милиция ҳуштак чалади-ю, бутун бир тилини бузаётган одамларга ҳеч ким ҳуштак чалмайди?..."**

**Хусанбой ТОЖИМАТОВ,** Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети Ўзбек тили кафедраси катта ўқитувчиси

Назм

Рост сўзламоқ тоғликларга хос

Булоқ

**Ердан қайнаб чиқар булоқ, Қайнар булоқ, қайнар булоқ, Олиб қочиб ҳаёлимни, Мен-ла ўйин ўйнар булоқ.**

**Кафтларимга кўнар тиниб, Кипригимни олар миниб. Ердан чиқиб яна ерга, Наҳот, дейман, кетар сингиб?**

Кўпкари сирлари

**Кўпкарининг билсанг кўлаб сирни бор, Ҳар бир отнинг тўққизтадан пири бор, Чавандозни келбатидан билади, Гар ёқмаса ҳунарини қилади.**

**Чавандозки, гапни кўпам хушламас, Таҳоратсиз от жоловин ушламас. Фурсат кутар чавандознинг сараси, Қамчи жойи бўлар тишлар ораси.**

**Пона каби ёриб кирса тулпори, Жўш уради чавандоз номус-ори. Гар солинса сергақ тутар қулоқни, Якка олиб, якка ташлар улоқни.**

**Чавандоз ҳеч доғ туширмас шаънига, Чувалатмас келганида совринга. Шукроналар айтиб улуг Тангрига, Голиб қайтар эл-юртининг бағрига.**

**Кўпкарининг сир-асрори анчадир, Айтганларим улардан бир парчадир.**

Тоғ йўли

**Тоғ томонга қорлар йўл, тоғ томонга, Тўташиб кетгандай гўё осмонга. Кенгроқ кўринган йўл юрганинг сари Торайиб боради ўхшаб камонга.**

**Сезиб борасан изин одамларнинг, Олқинин босиб ўтган қадамларнинг. Улар сени ундар юксаклик сари, Домида қоласан ўткир дамларнинг.**

**Излар сийрақлашар борганинг сайин, Тўхтаб қолар бирдан, тўхташи тайин. Сергақлиниб олиб ўзингга дейсан: Шу ердан қайтишган, мен ҳам қайтайин!**

Тоғликлар

**Тоғликларга хосдир матонат, Бардошига дейсиз ҳасанот. Тоғлариди маггур яшайди, Меҳмонига қалбин тўшайди.**



Аюбхон МУҲАММАДИЙ

**Эгасидир гапининг доим, Бирда гўрроқ, бирда мулоим. Рост сўзламоқ тоғликларга хос, Боболардан қолган бу мерос.**

**Бўлса ҳамки ўғил ёки қиз, Ўтмай деса ким содиқ дўстсиз, Бўлсин деса ҳимоя тоғи, Тоғликлардан бўлсин ўртоғи.**

Парвона

**Сенга қараб туриб ўйга толаман, Ўзингни урасан шафқатсиз шамга. Бир ҳолатни кўриб кўп лол қоламан, Шам сўна бошласа ботасан гамга.**

**Яланғоч кўрганда шармсиз шамни, Борлигини либос қилиб ёпасан. Сездирмасдан артиб кўзингдан намни, Эй парвона, куйиб бахтинг топасан.**

Тадбиркор ўйлари (Ҳазил)

**Ҳар бириси олса очишиб, Эшиги олдида бозорча. Уйларига кирса қочишиб, Солиқчилар берса озорча.**

**Пиш демаса ҳеч ким пишагин, Зиён кўрмасалар заррача. Бузиб қўйишмаса пинагин, Текшириб бирор бир нозирчи.**


**Четлаб ўтса-ю ҳар қонунни, Сезмай қолаверишса барча. Солиб турса унга соясин Бирорта чинорми ё арча...**

**Қачон етилади тадбир-иш, Ўрини топиб ҳар бир "қозиқча"?! Эзуликлар томонга юриш, Зора бошланса-да очиқча!**

Ола!

Шаҳримизда маданий ҳордиқ чиқариш масканлари талайгина: театр, кино саройи, концерт зали, опера ва балет театри, истироҳат боғлари... Бу ерлар доим аҳоли билан гавжум бўлади, айниқса, ёз мавсумида. Дам олишга мулкжалланган жойларда махсус тамадхоналарни ҳам учратамиз. Биласизми, шундай одамлар ҳам борки, уларга қандай спектакл қўйилади, кимнинг концерти бўлади, фарқи йўқ. Хуллас, шинаванда мухлислардан эмас улар. Аммо бир-бири билан учрашиш ёки ўша атрофдаги кафеларда бироз ҳордиқ чиқариш мақсади билан ҳам томошагоҳларга ташриф буюришади. Ҳар қанақасига бўлса ҳам дам олишса бўлди-да! Майли, бунга ўз хоҳишларига қўйиб берамиз.

«Кино+буфет=фойда» тадбиркорликнинг янги формуласи



Буфет. Танаффус учун кўнғироқ чалиндими, кўпчилик шу ерга югуради. Ёз бўлгани учун, ҳеч нарса олмайман деган одам ҳам яхна ичимликлардан харид қилади. Бу ерда бошқа савдо жойларида кўргангиз — бофет билан сотатлаб савдолашадиган харидорларни асло учратмайсиз. Маданий ҳордиқ чиқариш учун келган одам имкон қадар маданият сақлашга ҳаракат қилади. «Читта учун ҳам пул кетяпти-ку», «Бир келиб қолибмиз, сарф қилсак қилибмиз-да», деган хаёлга боришар балки. Уларнинг ўндан бирини бўлса ҳам «Нега қиммат?» деган савол тўғрисида. Ана шу ерга келганда ташвишларни унутиб, дам олиш учун ташриф буюрган инсон ҳаёлини нарх-наво эгалаб олади. Мисли яшин тезлигида ишлаб, бозор нархи билан буфет нархини солиштириш кетади. Математик бўлиш шарт эмас, нархлар атиги 200-300 сўм қиммат. Бориники, баъзилари 400-500 дир. Киноу театрлар намойиш этиладиган жойлар гавжумлиқда бозордан қолишмайди (Бозорга ўхшатишни салбий ўринларда кўпроқ учратардик. Мақсадим, томошагоҳларга «тил теккизиш» эмас, гап буфетга тааллуқли). Ҳар қандай гавжум жойда тижорат рақобати ёхуд махсулотларни харидоригр қилишни кўзлаб махсулот нархи пасайтирилади. Буфетни аҳоли кўп бўладиган жойлардан деб ҳисобладик. Аммо иккинчи назария тўғриси келмайпти. Аксинча, янги тижорат қонунни юзага келиб қолди: харидор кўп, харид қилиш эҳтимол ҳам юқори, лекин... нархлар баланд. Истамган одам кўнадан сотиб олсин, дерсиз. Бу усулни кўлайдиганлар ҳам бор. Аммо театрлардаги антракт вақтида ташқарига чиқиш мумкин эмас. Ундан кейин таёр буфет турганда... Буфет нархи. Бу кишига малол келмаётган арзимаган нарсасдек туюлади-ю, аммо бу бо-

Мутолаа

Тафаккур булогидан завқ олиб

Яқинда таниқли файласуф олим Виктор Алимасовнинг «Топган ва топинган битикларин» рисоласи чоп этилди.

Элмира НИЁЗОВА

Сўз сўздан, дил дилдан қувват олади деганларидек, инсоннинг ўқиган, кўрган, билган нарсалари устида фикр юриштиши, қандайдир бирор бир жўяли фикрни келтириб чиқаришга ундайди. Дарҳақиқат, халқимиз орасида авлоддан авлодга ворисийлик босиқда ўтиб борувчи ҳикматлар булогидан қониб-қониб маънавий озуқа олиш кишини юксакликка қорлайди, ҳаётдан завқ-шавқ олиб яшашга, қилаётган ҳар бир ишига нисбатан ақл кўзи билан қарашга, фикрларини жамлаб, тўғри хулоса чиқаришга ундайди. Халқимизнинг маънавий мулкига, индивидуаллашган, объективлашган борлигига айлана бораётган афоризмлар, битикларга айланган сўзлар одам ва олам, одам ва одам муносабатини, инсоннинг тийнати, зийнатидаги асл «мен»ини намоён этади. Китобдан ўрин олган «тафаккур булоғи» файласуф олимнинг бутун ҳаёт фаолияти давомида бевосита ва билвосита кўрган, қузатганлари, билганлари илмий фалсафий мушоҳада ва хулосаси сифатида китобхон ҳукмига ҳавола этилмоқда. Муаллиф бугунги моддий, маънавий, иқтисодий, сиёсий ҳаётда рўй бераётган ўзгаришлар, янгиликлар ва айни пайтда жаҳон тарихи, адабиёти, фалсафаси дурдоналарини замондан келиб чиққан ҳолда шарҳлаган. Шарқ Фарбинг буюк алло-

Жилмайишдан йиғлаш қўйин...

□ Инсон миёси тизими бутун жаҳон телефон тармоғидан ҳам мураккаброқдир. Мия нейрондаги био-сигналлар тезлиги 7 км/с гача етади.  
□ Инсон юраги кун давомида 2 тоннага яқин қонни ҳайдайди. Йил давомида 36 миллион 800 минг марта уради.  
□ Одам кунига 15 марта кулади, 3 кунда бир марта йиғлайди. Йилга ўртача 84 миллион марта киприк қоқайди. Одамнинг устки киприклари сони 150-200 та, пастки киприклар сони 50-100 тани ташкил этади. Инсон организмидеги толарларининг умумий узунлиги — 70 км.  
□ Одам организмидеги энг кучли мускул бу... тил.  
□ Инсон умри давомида унинг териси ўртача 1000 марта янгиланади.  
□ Одам танасида 2000 дан ортиқ таъм билиш рецепторлари мавжуд.  
□ Одамнинг жилмайиш учун 17 та, йиғлаши учун 23 та мускул хизмат қилади.

HURRIYAT newspaper advertisement with contact information, subscription rates, and a small illustration of a person.